

October, 30<sup>th</sup> 2021

## GROWING SUNGUT VARIETIES IN KHOREZM

Matkarimova Marifat Ruzimboevna,  
1st year doctoral student URDU,  
Yormatova Dilorom Yormatova  
Professor of UzSWLU

**Annotation:** In this article, the study of true growth, development and botanical features of sesame seeds in srednezasolennyx soils. Compared to the height of plants, the number of lateral shoots, the number of varieties of varieties Tashkentskiy-122 and Kara-Shaxzada during the processing of the stimulator and without any control variant.

**Keywords:** Sesame, plant height, bokovyx pobegov, chislo korobochke, sort, butter, semen, stimulator.

### ХОРАЗМДА КУНЖУТ НАВЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ

Маткаримова Маърифат Рўзимбоевна,  
1- босқич докторанти УРДУ,  
Дилором Ёрматова  
ЎзДЖТУ профессори

**Аннотация:** В этой статьи приведены данные изучение рост, развитие и ботанические признаки сортов кунжута в среднезасоленных почвах. Сравнена высота растений, число боковых побегов число коробочки сорта сортов Ташкентский-122 и Кара- Шахзада при обработке стимулятором и без него контрольном варианте.

**Ключевые слова:**кунжут, высота растений, боковых побегов, число коробочеке, сорт, масло, семена, стимулятор.

Республика Президенти Хоразм вилоятига қилган хизмат сафарларида аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари тақчилигини айтиб, вилоятда мойли экинларни экиб, парвариш қилишига катта имкониятларнинг мавжудлигини айтдилар ва бу борада бир қатор қўрсатмалар бердилар [1]. Кейинги йилларда бутун дунёдаги каби республикамизда ҳам ўсимлик майининг тақчиллиги сезилмоқда. Аммо ҳукуматимиз томонидан аҳолининг ўсимлик майига бўлган талабини қондириш учун бир қатор ишларни амалга ошироқмокда. 2020 ва 2021 йилларда мойли экинлар майдони кенгайтирилди. Хоразм вилоятида ҳам кунжут ва соя ўсимликларни экишга катта эътибор берилмоқда. Бу мойли ўсимлик қадимдан Хоразм ўлкасида энг кўп экилган, ушбу маълумотларни академик Н.И.Вавилов ўз асарларида қайд этиб кетган [2].

Маълумки Республикада йиллик етиштириладиган пахта чигитининг ҳажми ўртacha 1,2 миллион тоннани ташкил этаётган бир вақтда мамлакатимизда йилига 3,0 миллион тоннадан ортиқ пахта чигитини қайта ишлашнинг имкониятлари мавжуд. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва тегишли топшириқлариiga асосан 2021 йилда 350 минг гектардан зиёдроқ майдонга соя ва бошқа мойли экинларни

уруглари экилиши амалга оширилди. Ушбу майдонлардан бу йил 600 минг тонна миқдорида мойли уруг хом ашёсини йиғиб олиш режалаштирилган. Айни пайтда эса мамлакатимизда фаолият қўрсатаётган ёғ-мой корхоналари 1,2 миллион тонна атрофида кунгабоқар, кунжут ва соя донини қайта ишлаш кувватларига эга.

Умуман олганда, мамлакатимиздаги ёғ-мой корхоналари бир йилда агарда етарли хом ашё маҳсулоти бўлса, 450 минг тонна ўсимлик майи ишлаб чиқариб аҳоли дастурхонига етказиш имконига эгадир. Аммо маҳаллий шароитда етиштириб берилаётган мойли уруг хом ашёси камлигидан корхоналар 220-250 минг тонна миқдорда ўсимлик майи ишлаб чиқармокдалар. Демак,

October, 30<sup>th</sup> 2021

ички бозорни зарур бўлган мойли уруғлар маҳсулоти билан таъминлаш учун эндиликда кунжутнинг янги навларни замонавий агротехникаларни қўллаган ҳолда етиштириш бу куннинг талабидир. Ана шундагина мой заводлари томонидан ишлаб чиқариладиган ўсимлик мойи билан аҳолини таъминлаш учун хом ашё етиштириш ҳажмини 2 бараварга ошириш талаб этилади [3].

Кунжут мойли экинлар ичida уруғлари таркибида энг кўп микдорда сифатли ўсимлик мойи сақлаши билан биринчи ўринда туради ёки 100 кг кунжут уруғидан 50-кг экологик тоза, истеъмол учун яроқли ўсимлик мойи олиш мумкин бўлади. Чунки мавжуд заводларни мойли уруғ хомашёси билан таъминлаб туриш масаласи муҳим аҳамиятга эгадир. Мой заводлари мойли уруғларни қайта ишлаш билан бир қаторда чорва моллари ва, паррандалар ва балиқларни ҳам сифатли оқсилли озуқа билан таъминлайди. Ҳукуматимизни қабул қиласан қарорларидан келиб чиқиб, биз ўз илмий ишимизни Хоразм вилоятининг ўртacha шўрланган тупроқларида кунжутнинг икки хил навини экиб ўрганишдан бошладик.

Кунжутнинг республикада иқлимлаштирилиб келаётган Ташкентский 122 ва Қора шаҳзода номли навларни экиб ўрганилди. Чунки вилоятда кунжут маҳаллий аҳоли томонидан экиб ўстирилади, аммо экиш меъёри, экиш муддати, сугориш, экиладиган навларнинг қайси бири серҳосил ва бошқа агротехнологиялари ҳақида деярли илмий изланишлар олиб борилмаган. Ташкентский 122 ва Қора шаҳзода навларини турли экиш меъёрларини 3, 5 ва 7 кг микдорда Туркиядан келтирилган стимулятор билан уруғларни экишдан олдин ишлаб ўрганилди. Вилоятда кунжут уруғлари май ойининг ўрталарида экилди ва уруғлар экилганининг 7-8 кунлари униб чиқди. Кузатишлардан маълум бўлишича, униб чиқиш фазасида экиш меъёри ва стимулятор билан ишланган уруғларда фарқ сезилмади. барча вариантларда майсалар бир хил муддатда униб чиқди. Икки навнинг майсалари биологик хусусиятларига кўра, ўсув даврининг бошида кунжут майсалари жуда суст ривожланди. Поясида 5-6 барглар ҳосил бўлгандан бошлаб кунжут навлари барча вариантларда поялари тезлик билан ўсиб ривожланабошлади. Июнь ойининг охирларида пояларда дастилабки гуллар ҳосил бўлди ва бу навларда бу фаза икки ой муддатга чўзилди.

Кузатишлардан маълум бўлишича кунжут навлари гуллай бошлаганда, уларнинг пояси бўйининг баландлиги тезлик билан ошабошлайди, аммо поянинг ўсишига бир гектarda жойлашган кунжут туп сонининг таъсири яққол сезилади. Масалан Қора- шаҳзода навида бир гектарга 3 кг экилганда бўйининг баландлиги 208 смга етганлиги маълум бўлди. Экиш меъёри 5 кг бўлганда бўйининг баландлиги 188,7 см, экиш меъёри оширилганда 7кг бўлганда кунжутнинг пояси узунлиги 191 см. ни ташкил этди. Кунжут уруғлари стимуляторсиз 3 кг экилганда поясининг баландлиги 179,4 см, 5 кг экилганда 168,4 см ва 7кг экилганда 163,3 см бўлганлиги аниқланди. Олинган маълумотлар стимуляторсиз экилганда Қора шаҳзода навнинг поялари паст бўйли бўлиб борганлиги маълум бўлди.

Ташкентский- 122 навида олиб борилган кузатишлардан маълум бўлишича, гектарига 3 кг экилганда 217,0 5кг экилганда 188,0 см ва 7кг экилганда 213 смга етганлигини маълум бўлди. Стимуляторсиз олиб борилган кузатишлардан маълум бўлишича кунжутнинг ҳар иккала навида бўйининг баландлиги 15-17 смгача фарқ қилганлиги маълум бўлди. Бу вақтда мева ҳосил қилиш жараёни ҳам гуллаш билан биргаликда борди. Кунжут навларининг поялари ҳосил бўлган кўсакчалар сони ҳам туп сонига қараб ўзгариб борди.

Кунжутнинг поясида ҳосил бўлган кўсакчалари барг қўлтиқларида жойлашди, битта барг қўлтиғида 4-7 тагача кўсакча ҳосил бўлди. Ташкентский- 122 навида стимулятор билан экилганда бир гектарга 3 кг уруғ ташланганда ҳосил бўлган кўсакчалар сони 254,7 дона, 5 кг ташланганда 135,0 дона ва 7 кг экилган вариантда 108,3 донани ташкил этди. Экиш меъёри камайган сари кўсакча сони ортиб борди. Қора- шаҳзода навида ҳам биз шу нарсани кузатдик, бу навда экиш меъёри ошган сари пояларда кўсакчалар сони камайиб борди. Кунжутда кўсакчалари ҳосилдорлик кўрсаткичларидан бири бўлиб хисобланади, кўсакчалар сониниг юқори бўлиши бу ҳосилдорликнинг юқори эканлигидан дарак беради. Аммо бўйининг баландлиги билан экиш меъёри камайган сари буйининг баландлиги пастлашиб борганлиги маълум бўлди ва бу кўрсаткичлар бир бирига тескари пропорционал бўлиши аниқланди. Қора шаҳзода навида ҳам ушбу кўрсаткичлар Ташкентский- 122 навидаги морфологик белгиларни такрорлади. Кўсакчалар сони кунжут навларида бўйининг баландлигига боғлиқ эмаслиги олиб борилган тажрибаларда исботланди. Барг қўлтиғида жойлашган

October, 30<sup>th</sup> 2021

күсакчалар сони туп сонининг қалин ёки сийраклигига боғлиқ бўлди, туп сони сийрак бўлганда кўсакчалар сони кўпроқ бўлиб 5-7 тагча ҳосил бўлди, экиш меъёри оширилганда пояда ҳосил бўлган кўсакчалар сони сийраклашди. Кунжут навларида кўсакчаларнинг узунлиги 2,4 см дан 2,7 см гача бўлганлиги маълум бўлди. Кўсакчанинг узун ёки калта бўлиши ҳосилдорликни белгиловчи кўрсаткичлардан биридир. Кўсакчалар узун бўлса, унда жойлашган уруғлар сони кўп бўлади, кўсакчалар майда ёки қисқа бўлса унда жойлашган уруғлар сони ҳам кўп бўлади.

Кунжут морфологик белгиларига кўра, ён шохлар ҳосил қилувчи ўсимликлар турига киради. Бир гектарга 3 кг кунжут уруғи ташланганда бир туп кунжут ўсимлигига 6,3 дона, 5 кг экилганда 5,8 ва 7 кг экилганда 4,5 дона ён шохлар ўсиб чиққанлинги аниқланди. Экиш меъёри оширилган сари ён шохлар сони камайиб борди ва ушбу камайиш коррелятив ривожланишга тўғри келади. Стимуляторсиз экилган назорат вариантларда ҳам ушбу қонуният кунжут навларда бир- бирини тақрорлади. Ҳосил бўлган ён шохлар кунжут навлари поясида биринчи тартиб ва иккинчи тартибга бўлинади. Биринчи тартиб ён шохларда кўсакчалар сони ва улардаги уруғлар сони иккинчи тартиб ён шохларга қараганда кўп эканлигин аниқланди.

Бизнинг олиб борган тажрибаларимиз шуни кўрсатдики, Хоразм вилоятининг ўртacha шўрланган ўтлоқи алювиалл тупроқларида кунжутнинг Ташкентский- 122 ва Қора- шаҳзода номли ўртапишар навлари яхши ўсиб ривожланди ва ҳар гектардан 20 центнердан юқори ҳосил берди. Уруғлари экишдант олдин стимулятор билан ишланган Ташкентский- 122 навидан 3 кг экилган вариантларда гектарига 23,1 ва Қора- шаҳзода навида эса 24,8 ц/га уруғ берганлиги маълум бўлди. стимуляторсиз экилган назорат вариантларда ҳосилдорлик бир мунча паст ёки гектарига 19,3 ц/га ҳосил берганлиги маълум бўлди. Ташкентский- 122 навида вариантлар бўйича ҳосилдорлик гектарига 5 кг экилганда кунжут ҳосили Қора- шаҳзода навига қараганда нисбатан паст бўлганлигини тажрибалар кўрсатди, стимулятор билан 25,2 ц/га ва Ташкентский- 122 навида 5 кг вариандада ҳосил 23,8 ташкил этди.

Кунжут навлари ушбу ўта иссиқ кескин контенентал шароитда бир гектардан 100 кгдан ортиқ сифатли экологик тоза ўсимлик мойи бериш и мумкин бўлган мойли экинни майдонларини бемалол Хоразм шароитида кенгайтириш мумкинлигини кўрсатади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш.М. Жонажон Хоразм юрти, буюк тарихга, цивилизацияга, маданиятга эга бўлган юрт. 2018 йил, 23 декабрь.
2. Вавилов Н.И. Пять континетов. Лен издат. Ленинград. 1989 год.
3. Ўз-Ҷонажон Хоразм юрти, буюк тарихга, цивилизацияга, маданиятга эга бўлган юрт. 2021 йил 6-7 октябрь